



2019 йил 28-феврал

Нефть-газ ва кимё саноатини янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 февраль куни нефть-газ ва кимё саноатида олиб борилаётган ислохотлар натижадорлигини таҳлил қилиш, ушбу тармоқларни тизимли ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика соҳаларини уйғун ривожлантириш ва энергия манбаларини диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг энергия ресурсларига ортиб бораётган эҳтиёжини қондиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилги Инвестиция дастурига мазкур соҳа бўйича умумий қиймати 27,8 миллиард долларлик 26 та лойиҳа киритилган. Президентимиз ушбу лойиҳалар билан ҳар куни шуғулланиш, уларнинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Энергетика ва Молия вазирликларига “Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метани негизда синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси бўйича 2,3 миллиард долларлик хорижий кредитларнинг молиялаштириш шартларини белгилаш, “Шўртан газ-кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш” лойиҳаси бўйича Россия “Газпромбанк”нинг 300 миллион долларлик кредитини жалб қилиш вазифаси юклатилди.

Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртаннефтьгаз ва Газлинефтьгаз корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш, нефть ва газ қазиб чиқариш, геологик қидирув ускуналарини сотиб олиш каби лойиҳаларга талаб этиладиган маблағларни мамлакатимизнинг еврооблигациялари ҳисобидан молиялаштириш лозимлиги таъкидланди.

Геология-қидирув ишлари мураккаб бўлган ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда тизимда тўпланиб қолган дебитор қарздорликни камайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тармоқнинг экспорт салоҳияти таҳлил қилинар экан, бу борада фақат газга боғланиб қолмасдан, углеводородларни чуқур қайта ишлаш асосида экспорт ҳажмини ошириш зарурлиги таъкидланди.

“Ўзбекнефтьгаз” ва “Ўзкимёсаноат” раҳбариятига табиий газдан юқори қўшилган қийматли

полимер, полистирол, ПЭТ, синтетик каучук ишлаб чиқариш концепциясини тайёрлаш, жорий йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган нефть-газ бўйича халқаро конференцияда чет эллик инвесторларга тақдим қилиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, тарифларни бозор тамойиллари асосида қайта кўриб чиқиш, нефть базалар ва ҳудудий газ таъминоти хизматлари, жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини ишончли инвесторлар бошқарувига бериш бўйича аниқ чоралар ҳам назарда тутилиши кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда нефть-газ соҳаси билан узвий боғлиқ бўлган кимё тармоғидаги ишлар ҳам таҳлил қилинди.

Кимё саноатини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш мақсадида умумий қиймати 8 миллиард долларлик 33 та лойиҳа белгиланган бўлиб, жорий йилда 4 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган.

Президент кимё саноати юқори рентабелли тармоқ эканини таъкидлаб, 2019-2025 йилларга белгиланган истиқболли лойиҳаларга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Жумладан, Қўқон суперфосфат, Қўнғирот сода заводлари бўйича хорижий ҳамкорлар билан келишувларга эришиш, Янгиер шаҳрида аммиак ва карбамид заводи барпо этиш бўйича инвесторларни аниқлаш вазифаси қўйилди. Кимё саноати корхоналарини модернизация қилишни тезлаштириш, маҳсулотлар сифатини ошириш мақсадида соҳани хусусий мулкчилик асосида ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

“Ўзкимёсаноат” раҳбарияти бугунги долзарб масалалардан келиб чиқиб, фақат минерал ўғитлар билан шуғулланмасдан, соҳани кўп тармоқли тизимга айлантириш йўлида изланиши керак. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг турини кўпайтириш бўйича истиқболли йўналишларни белгилаши зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Манба: [ЎЗА](#)

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/neft-gaz-va-kimyo-sanoatini-yanada-rivozhlantirish-masalari-atroficha-muhokama-qilindi>